QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

230100, Nukus shahri, Dosnazarov koʻchasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ
XALÍQ BILIMLENDIRIW
MINISTRLIGI

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«25» июнь 2021-у. №01-01/03-3073 «____»-__________ 2021-j.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Халқ таълими вазирлигига**

Сизнинг, 2021 йил 8 июндаги 04-04/2-813-сонли хатингизда келтирилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Рахбарининг 2021 йил 21 апрелдаги 02-РА 1-6469-сонли топшириғи ижроси юзасидан ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"нинг тегишли бандлари ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни жўнатмоқдамиз.

*Илова: ___ варақда.*

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Халқ таълими вазири** **Р.Реимов**

Ижрочи: Р.Худайбергенов
Тел: 93. 485-17-51

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor boʻlishingiz mumkin

www.uzedu.uz t.me/uzedu facebook.com/uzedu instagram.com/uzedu.uz

Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигининг
2021 йил 25 июндаги
01-9/03-3073 сонли хатига
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, электрон хукумат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш, ҳудудларни рақамли ривожланиш даражасини рейтингли баҳолаш натижаларини яхшилаш буйича**

**ЙУЛ ХАРИТАСИ**

| Т/р | *Чора-тадбир номи* | Амалга ошириш механизми | Лойиха қиймати, млн. сум* | Молиялаштириш манбаси | Муддати | Ижро ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **III. Ижтимоий соҳа ва давлат ьошқарувини рақамлаштирриш** | | | | | | |
| 14. | Электрон кундалик ахборот тизимини жорий этиш. | Республикадаги қуйидаги туманлар худудида жойлашган умумтаълим мактабларини “Электрон кундалик” тизимига улаш:<br>Амударё туманида 78 та,<br>Беруний туманида 58 та,<br>Кегейли туманида 29 та,<br>Қораузак туманида 21 та,<br>Муйнок туманида 9 та,<br>Нукус туманида 19 та,<br>Тахтакупир туманида 14 та<br>Турткул туманида 57 та,<br>Хужайли туманида 33 та,<br>Чимбой туманида 38 та,<br>Шуманай туманида 22 та,<br>Элликқалъа туманида 64 та | | Халқ таълими вазирлиги, Давлат бюджетидан ва махаллий бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида, бюджетдан ташқари маблағлар | 2021 йил якунига қадар | Ҳозирги кунда, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги жами 258 та умумтаълим мактабларида “Электрон кундалик” тизими, қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда, босқичма-босқич жорий этилган бўлиб, ҳозирда, навбатдаги босқичда тизимга киритилиши мумкин бўлган мактаблар ўрганиб чиқилмоқда ва тизим администрациясига тақдим этиш учун рўйхат шакллантирилмоқда. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **IV.РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ** | | | | | | |
| 15. | Мактабларни йуналиши буйича дипломга эга информатика ўқитувчилари билан таъминланганлиги | 1. Мактаблари йуналиши буйича дипломга эга булмаган информатика ўқитувчиларнинг руйхатини шакллантириш.<br>2. Шакллантирилган руйхат асосида йуналиши буйича дипломга эга мутахассисларни ишга олиш чораларини куриш | | | 2021 йил май-август | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 2020 йил 25 май ҳолатига 37229 нафар педагоглар фаолият юритиб келаётган бўлиб(27334 нафар аёллар), шундан 33941 нафари олий маълумотли, 569 нафар тугалланмаган олий, 2719 нафари ўрта махсус маълумотли, ўқитувчиларнинг 1054 нафари олий тоифали, 4110 нафари биринчи тоифали, 10392 нафари иккинчи тоифали ҳамда 21673 нафари мутахассис ўқитувчиларни ташкил этади.<br>Умумий ўрта таълим муассасаларида жами 1070 нафар информатика фани ўқитувчилари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси олий маълумотли педагог кадрлар ҳисобланади.<br>Бугинги кунда, информатика фани ўқитувчисига эхтиёж мавжуд бўлган мактабларга информатика мутахассислигига эга бўлган кадрлар билан уч томонлама шартнома тузиш ишлари олиб борилмокда. |